

Умуммиллий манфаатлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва фаолиятининг пойдеворидир.


SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA



• 2007-yil • 19-iyun • Seshanba • 72 (27.717) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan



ЯНГИ МАЖМУА

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧАСТКАСИ ВА ЛАБОРАТОРИЯНИ ЎЗ ИЧИГА ОЛГАН

Фаргона шаҳрида Шарқий магистрал электр тармоқлари корхонасининг маъмурий диспетчерлик биноси фойдаланишга топширилди. Ишлаб чиқариш участкаси, лабораторияни ўз ичига олган маъмурий бинонинг қўриқилуви ва аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасида

қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Шарқий магистрал электр тармоқлари корхонасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларига электр энергия таъминоти етказиб беришда ўрни катта. Шунингдек, корхона Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига ҳам ўз соҳаси бўйича хизмат кўрсатади.

— Биз доимо эл хизматидамыз, — дейди корхона раҳбари Тўхтовой Муллажонов. — Мана шундай кўркам ва мухташам бинонинг фойдаланишга топширилиши бизга катта воқеа бўлди.

Суратларда: ишчилар Элёр Обидов ва Баҳром Маматқўлов; корхонанинг маъмурий диспетчерлик биноси кўриниши.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.



ЎзХДП ҳаёти ТАЖРИБА ВА ФИКР АЛМАШДИЛАР

Куни кеча Самарқанд шаҳрида «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари томонидан олиб борилган ишлар ҳамда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишда Жамоатчилик қабулхонасининг ўрни» мавзусида минтақавий семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши фаоллари, Жиззах, Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари, улардаги шаҳар, туман кенгашлари раислари иштирок этган маъмурий семинар раиснинг таъбири, самимийлик билан тажриба алмашуви руҳида ўтди.

Жорий «Иجتимоий ҳимоя йили»да қабул қилинган Давлат дастури ЎзХДП ташкилотлари, партиядан сайланган депутатлар олдига ҳам қатор масъулиятли вазифаларни қўйди. Бу борада ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарининг ҳам ўз ўрни бўлиши лозим. Умуман ўтган давр мобайнида ушбу қабулхоналар одамлар ишончини қозониш бора-борида етарли тажриба ҳам тўплади, дейиш мумкин. Вилоятлараро ўтказилган анжуманга мезбонлик қилган Самарқанд вилоятида ҳам бу борада бир қатор ишлар амал-



га оширилган.

Ўтган 2006 йили вилоят кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига 594 нафар фуқаро мурожаат этганлиги, жорий йилнинг биринчи чорагида 163 та ариза келиб тушганлиги бежиз эмас. Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, мурожаатларда кўпроқ уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатишдаги юзага келатган номувофиқликлар қайд этиляпти. Шунингдек, уй-жой қуриш учун ер олиш, иш билан таъ-

минлаш, иш ҳақи, соғлиқни сақлаш ва халқ таълимида учраётган баъзи камчиликлар юзасидан ҳам мурожаатлар мавжуд. ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши аъзолари, фаоллар ва депутатлик гуруҳлари доимий равишда қайд этилган муаммоларни бартараф этишга эътибор қаратиб келяпти.

2-бет

ИСТЕЪДОДЛАРНИ КАШФ ЭТГАН ТАНЛОВ

Пойтахтимизда Ватанпарвар мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан Республика ёш ижроичилар кўрик-танлови ўтказилди.

Унда юртимиздаги маданият, санъат ва мусиқа йўналишидаги коллежлар ҳамда академик лицейларнинг ўқувчилари ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этди.

Танлов ғолиблигини тақдирлаш маросимида Президентимиз Исрол Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда ёшлар пухта таълим-тарбия бериш бора-борида улардаги истеъдод қирраларини шакллантириш, қобилиятли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ёш ижроичилар учун қатор нуфузли муко-

фотларнинг таъсис этилгани, «Янги авлод», «Келажак овози», «Навқирон Ўзбекистон», «Санъат гунаҳари» каби кўрик-танловлар, фестиваллар, ижодий бешлашувларнинг мунтазам ўтказилаётгани, санъат йўналишидаги замонавий олий ва ўрта махсус таълим масканлари, ижодиёт марказларининг фойдаланишга топширилётгани иқтидорли ёшларни кашф этиш, уларни янги ижодий парвозлар сари даъват этишда муҳим омили бўлмоқда.

Ёш ижроичиларнинг республика кўрик-танловида мамлакатимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳридаги ўрта махсус таълим даргоҳларининг салкам тўрт юз нафар ўқувчиси иштирок этди. Танлов катнашчилари аъёнанинг ижроичилик, халқ чолғулари, торли чолғулар, фортепиано, дамли ва зарбли чолғулар, яққа хонандалик, эстрада, рақс, театр санъати каби йўналишларда ўз истеъдодини намойиш этди. Ижодий бешлашув давомида ижроичиларнинг билим ва савияси, ижро маҳорати, саҳна маданияти каби мезонларга асосий эътибор қаратилди.

Тадбирда ўз йўналиши бўйича биринчи ўринга лойиқ топилган эллик тўрт нафар катнашчига танлов совринлари топширилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

Иқтисодиёт одимлари «НАМАНГАНМАШ» — ОБРЎЛИ КОРХОНА

Иқтисодиётимиздаги дастлабки ўзгариш ва янгиланишлар кўпгина санъат корхоналари қатори «Наманганмаш» ҳам четлаб ўтмади. Сўнгги йилларда корхона фаолияти анча сувайганди. Аммо раҳбарга, жамоадаги ҳамжиҳатликка кўп нарса боғлиқ экан, аксарияти 30-35 йиллик меҳнат стажига эга бўлган ишчилар тажрибаси кўл келди. Жамоа ўтган йилни бир миллиард 116 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва савдо-сотик ҳисобига 91,8 миллион сўмлик соф фойда билан якунлади.

— Бу рақамлар тилга кирса, — дейди ХДП фаоли Маҳмуджон Усмонов. — Уларда жамият бошқаруви раисидан тортиб, муҳандис Химойиддин Мўминов, ишчилардан — Маматхон Ҳамидов, Шарифжон Тошматов, Юсуфжон Қорабоев, Жўраҳон Болтабоев, Абдусаттор Фаниев, Акмалхон Қаҳқоров, Ҳакимбой Қаҳқоров — хуллас, ҳар бир ишчи-хизматчининг ҳалол меҳнатидан сўзлашиш аниқ. Бугун корхона маҳсулотларига, айниқса, турли ҳажмдаги задвижалар, газ ва нефть санъати учун жўмақлар ҳамда қувурларга талаб катта, буюртмалар кўп...

Корхонада ўтган йили ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг учдан бирини халқ истеъмоли буюмлари ташкил этди. Ҳар бир ишловчи ойлик маошининг ўртача миқдори 75 минг сўмга етди. Улар учун тушлик тамаддилар нархи 50 фоизга арзонлашгани яна бир ютуқ бўлди. «Иجتимоий ҳимоя йили»да бошқа яна бир қатор қўлайликларга эришиш йўлида ҳам сайё-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Яқинда корхонада ўтказилган умумий йиғилишда токарё Исмомил Бекчиев ва металл қирқувчи Иброҳимжон Акбаровга уларнинг кўп йиллик меҳнатлари қадрланиб, оилаларига бир босдан соғин сизир олиб берилди. Бу каби эзгу ишларни ташкил этишда Муҳаммадали Сатторов бошчилигидаги ХДП бошланғич ташкилотининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор...

Хуллас, «Наманганмаш» яна обрўли корхоналар қаторига кирди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, Ўзбекистон овози мухбири.

O'zbekiston havo yo'li
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар янгиланди

ЁШЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

Яна бир неча кундан сўнг, пойтахтимизда мамлакатимиз олий таълим муассасалари талабаларининг «Универсиада — 2007» спорт мусобақалари республика финал босқичи баҳслари бошланади. Ёшларимиз қалбига умрбод муҳралиб қолажак ушбу спорт байрамига пухта ҳозирлик қўрилди. «Универсиада — 2007» мусобақалари Ахборот маркази раҳбари, Мирзо Улдуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани Қудрат Эрназаров билан шу хусусда суҳбатлашдик.



— Нима демоқчи эканлигинингизни аңгладим. Дарҳақиқат, мамлакатимиз ёшларининг маъмурий кўриқ байрами арафасида бу ерда кенг кўламли ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотлари, спортчи-талабалар турадиган, маданият ташкилоти ўтказиладиган жойларда зарур шарт-шароитлар яратилди. «Сув спорти саройи», замонавий спорт иншоотлари ва бошқа мусобақалар ўтадиган жойлар халқаро талабалар даражасида ҳозирлаб қўйилди.

— Бугун «Ёшлик» талабалар шаҳарчасига қадам ранжида қилган киши ўзини кичик Олимпия шаҳарчасига келиб қолгандек ҳис қилади...

4-бет

«Ўзбектуризм» миллий компаниясининг Самарқанд вилоят бўлими Япония халқаро агентлиги — JICA билан ҳамкорликда Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб «Guide book of Samarkand» (Самарқанд бўйлаб саёҳат) китобини нашрдан чиқарди.
**САЙЁҲЛАР УЧУН
ҚЎЛЛАНМА**

Самарқанд шаҳридаги «Зарафшон» нашриётида тайёрланган маъмурий китоб асосан хорижий сайёҳларга мўлжалланган. Замонавий полиграфия имкониятлари асосида нашр этилган қўлланмада матнлар рус, инглиз, япон, француз ва немис тилларида берилган. Ундан Самарқанднинг тарихи ва бугунги куни, мустақиллик йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, самарқандликларнинг турмуши ва аъёналари ҳақида мақолалар, шаҳарнинг тарихий обидалари ва замонавий иншоотларининг фотосуратлари кенг ўрин олган.

Ғ.ХАСАНОВ, ЎзА мухбири.

СОЛИОБОД СПОРТ МАЖМУИ

Сурхондарё вилояти Термиз туманида яна бир замонавий спорт мажмуи қуриб битказилди.

Солиобод қишлоғидаги 29-мактаб ҳузурида иш бошлаган ушбу кўркам спорт масканида ёшларнинг волейбол, баскетбол, бокс, енгил атлетика, кураш, теннис билан шуғулланиши учун етарли шартот мавжуд.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎзА мухбири.

| | | | |
|--|---------------------------------|-----------------------------|---------------------------|
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 19 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийдаги қийматини белгилади: | 1 Австралия доллари 1064,03 | 1 Япония юени 165,67 | 10 Япония йенаси 102,31 |
| | 1 Англия фунт стерлинги 2498,65 | 1 Малайзия ринггити 367,84 | 1 Россия рубли 48,54 |
| | 1 Дания кронаси 227,34 | 1 Польша злотийси 446,01 | 1 Украина гривнаси 250,21 |
| | 1 БАА дирҳами 344,05 | 1 СДР 1901,32 | |
| | 1 АКШ доллари 1263,54 | 1 Туркия лираси 966,75 | |
| | 1 Инер фунти 222,26 | 1 Швейцария франки 1017,92 | |
| | 1 Исландия кронаси 20,32 | 1 ЕВРО 1 | |
| | 1 Канада доллари 1185,31 | 1 ЕВРО 1691,88 | |
| | | 10 Жанубий Корея вони 13,62 | |

ЎзХДП ҳаёти

ТАЖРИБА ВА ФИКР АЛМАШДИЛАР


(Давоми. Боши 1-бетда)

Семинар иштирокчилари дастлаб ЎзХДП вилот кенгаши ҳузурдаги Жамоатчилик қабулхонаси ҳамда «Депутатлар клуби» фаолияти билан яқиндан танишдилар...

дан ЎзХДПга яқинлашмоқда. Партиянинг мақсад ва вазифалари билан танишиб унга ўз хайрихоҳликларини билдиришмоқда...

ҳамкорлиги ва олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил гапириб берди. Урганса арзийдиган жиҳатлар кўп экан.

рак, вазифалари нималардан иборат эканлиги тўғрисида фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлади. Шунингдек, сўзга чиққан ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси Саида Жўраева, Жиззах вилоят кенгаши раиси Парда Йўлдошевлар...



— ЎзХДПнинг аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари алоҳида эътиборга молик...

рожаатларга алоҳида эътибор қаратиш, уларга ҳуқуқий маслаҳат, йўл-йўриқлар бериш бўйича қатор янги ташаббуслар ўртага ташланди.

Шаҳардаги «Тумарис» меҳмонхонаси анжуманлар залида бўлиб ўтган ўзаро мулоқотларда сўзга чиққан ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Норов бўлиб ўтаётган семинарнинг мазмун-моҳияти, ундан қўзланган мақсад ҳақида тўхталди.

Шундан сўнг сўзга чиққан халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, «Зарфшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошев депутатлик гуруҳининг фаолияти, иш услуби, тажрибалари ҳақида гапириб берди.

Лола Собирова, ЎзХДП Навоий шаҳар кенгаши раиси: — Бу анжуман ҳар биримизда янги янги фикрлар, ғоялар уйғотди, десам янглишмайман.

Қадим Самарқандга келганимга анча бўлганди. Тўғриси, шаҳар жамоли бутунлай ўзгариб кетди. Бир-бирдан кўркам, замонавий иншоотлар, бинолар, шинам хиёбонлар, йўللار...

Ха, қизгин баҳс-мунозаралар ўзаро тажриба алмашиш руҳида ўтган минтақавий семинар барча иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири. Суратларда: семинар тадбирларида лавҳалар.

Хусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар.

КАСБЛАР


ФЕСТИВАЛИ

Андижон вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида касблар фестивали ўтказилди.

8760 нафар ўқувчи танлаган йўналиш бўйича ўрта махсус ўқув юртиларида ўқиш истагини билдирди.

— Айнан ана шу фестивал туфайли битирувчи ёшларнинг орзу-истаклари билан янада яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлди...

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Хонобод шаҳрида фаолият юритаётган «Ўз-Коджи» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида Асакадаги «ЎздЭУавто» автомабиллари учун юқори сифатли сым ўровлари тайёрланмоқда.

Корхонада 652 нафар ишчи икки сменада меҳнат қилади. Уларнинг қирқдан ортиғи Корея Республикасида малака оширган мутахассислардир.

Суратларда: ишчи Рашида Қодирова; ўз ишининг усталари Абдулғани Эргашев, Фахриддин Наҳиддинов ва Музаффар Режапов.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хоразм вилоят кенгаши ташаббуси билан партиядан вилоят Кенгашига сайланган депутатлар, «Фол аёллар» ва «Истикбол» ёшлар қанотлари раислари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, жамоат ташкилотлари, давлат идоралари ва банк ходимлари иштирокида «Ёш оилаларга эътибор — келажак пойдевори» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

миз электроти манфаатларига таълуқли эканлиги ҳақида тўхталди. Тадбирда иштирок этган вилоят Адлия, Солиқ бошқармалари, «Оила» илмий-амалий маркази, «Микрокредит-банк», «Ипотекабанк» ва бошқа муассасалар вакиллари иштирокчиларга мазкур ҳужжатнинг ёшларга яратётган имкониятлари, улардан фойдаланиш тартиби-қоидалари, бу борада тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот олиб боришда партия ташкилотлари, Жамоатчилик қабулхоналарининг вазифалари ҳақида гапиридилар.

Қашқадарё вилоят кенгаши Қарши шаҳридаги санъат касб-ҳунар коллежидан ногирон болалар ўртасида ўтказилган «Маф-тункор ранглар дунёси» кўрик-танловини ташкил қилишда фаол иштирок этди.


ЎзХДП Андижон туман кенгашининг Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти алоҳида эътироф этилиб, намуна қилиб кўрсатилди.

Гулистон шаҳар кенгаши, шаҳар ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ҳамкорлигида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ўтказилди. Тадбирда сўзга чиққан ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси А.Тошматов аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишда олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, унда ЎзХДП ташкилотларининг иштироки ва вазифалари ҳақида гапирди.

нафар фуқаро ишга жойлашди, 10 киши касбга тайёрлаш бўйича қайта ўқитишга юборилди. Тадбирда фаол иштирок этган ташкилотлар вакиллари меҳнат бўлими ва ЎзХДП Гулистон шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Сергели туман кенгаши халқ таълими бўлими билан биргаликда мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб тумандаги 21-муסיқа мактабида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида «Келажак авлодлари» болалар фестивалини ўтказди. Тадбирда болалар миллий ва европа рақс санъатини намойиш этди. Уларга туман партия кенгашининг совғалари берилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.



QALITIS TASHLANGAN BIR QADAM... Оиладаги носоглом муҳит, баъзи таълим муассасаларида ёшлар қалбига тўғри йўл тополмаслик, лоқайдлигимиз оқибатида айрим йигит-қизларимиз ҳаётда адашиб қолаётганликлари хусусида мулоҳазалар. 1. 2. 3. 4.

Гийёҳвандлик — оғир иллат. ...Кўп бўлмади, танишимиз, ўзига тўқ, зиёли оила қизи Шодияни турмушга узатди. Мактабдоши Шокир билан шевишиб турмуш курди. Куёв ҳам бой-бадавлат оиланинг тўнғичи. Сал ўтмай келин ажрашиб, ота уйига қайтиб келди. Ҳамма хайрон, қиз ақли-ҳуши, тарбияли, мактабда, институтда аъло ўқиган, дўхтир. Ота-онанинг дарди ичиди, Шодиянинг боши эгик, маънос, дардчил бўли қолди...

Одатда, ёшлар бир-бирини «тортади», «бир марта чексам ҳеч нарса қилмайди-ку, бошқа қилмайман» деб хато ўйлашди. Ҳеч қим, ҳеч қачон «мен ёмон йўлга қираман» деб бошмайди, ҳамма «бир марта-гина деб бошлади. Билишмайдики, бу улар учун энг муҳим қадам!

ёш-ёш эркаклар, аёллар... Дилором Рашидовна кўнглимдан кечганини тушунди чоғи, уларни суҳбатга чакирди. Биз беморларнинг исми-шарифини, улар илтимосига қўра, сир тутдик, ўзгарибдик. Мария КАБИРОВА: — 27 ёшдаман, 9 йилдирики ана шу «оғу»нинг қўлиман. Биринчи марта ҳолавачан «бир марта татиб кўр, кайфи зўр, кўркам, болғам урмайди» деди, ком томиримга уришди...

Тадбир



СПОРТ ГРАНТЛАРИ

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИДОРЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАРИНИ ЯНГИ ГАЛАБАЛАР САРИ УНДАЙДИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев билан ҳамкорликда мамлакатимиз ёш ва умидли спортчиларини қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

нирлар голиби Бахром Хўжамуродов (60 кг.)ларнинг борлиги айниқса, қувонарлидир. Ёш спортчиларга грант сертификатларини «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, профессионал бокс бўйича ўта оғир вазнда жаҳон чемпиони Руслан Чагаев топширди.

Хабарингиз бор, ушбу махсус жамғарма апрель ойида ташкил этилган. Ушанда қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Бу кунни бир умр ёдимдан чиқармайман, — дейди буюк боксчи ўн ёшли Бехзод Туев. — Жаҳон чемпиони Руслан Чагаевнинг ўз қўли билан топширган гранти мени янги галабаларга ундайди.

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, бўлажак жаҳон чемпионларини рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган махсус жамғарма кенг жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда.


Ўш спортчиларни қўллаб-қувватлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида янги лойиҳалар орқали фаолиятини тобора кенгайтираётган жамғарманинг мазкур хайрли тадбири йиғилганларга ҳақиқий байрам кайфиятини улашди.

ЁШЛИК ВА НАФОСАТ БАЙРАМИ

— Мусобақалар қай тартибда ўтказилиши режалаштирилган?

— Паркент туманидаги «Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидан ёқилган машъала «Ёшлик» спорт мажмуида олиб келинган, «Уни-

версиада-2007» мусобақалари республика финал босқичининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. 21 июнь кун мусобақаларга старт берилади. Унда спортчилар баскетбол, кураш, белбоғли кураш, волейбол, теннис, стол теннис, шохмат, футбол, қўл түпи, сузиш, дзю-до каби спортнинг 12 тури бўйича беллашадилар.



Тўқтин ШЕБЕК сўзлашди. Сарвар ЎРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

НОРАСМИЙ ҲИСОБЧИНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Пешкулик Комил Нуров ўзи норасмий ҳисобчи бўлиб ишлаётган «Ширингул» фермер хўжалигининг муҳр ва штампини фермер хўжалик раҳбаридан олишга қийналмади.

лумотлар тиркалган талабномани тайёрлаб, банкка югурди. Бировни ажабон, бошқасини укажон, деб фермер хўжалиги ҳисоб рақамига 967 минг 588 сўмни молиялаштиришга эришди ҳам. Энди «ўлжа» ни қўлга киритиш керак. «Қандай қилиб банкдан савил пулларни олсам экан-а... Бирорта нафси қилтилаган топилармикан?»

фирлик кўлами кенгайди. Мазкур фермер хўжалигида ишламаган Л.Ҳамидова, А.Тошева, Л.Адинова-ларга август ойи учун иш ҳақи, Д.Шарипова, Б.Бозорова, О.Ҳамро-еваларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини олишлари учун ёлгон маълумот билан тўлдирилган ҳужжатни тайёрлаб, туман ижтимоий таъминот бўлимига топширди. «Кумушой» фермер хўжалиги иш юритувчисидан имзо қўйилган, аммо рекузитлари тўлдирилмаган чекни қўлга киритган К.Нуров бутунлай қуюшқондан чиқиб кетаётганлигини, «ширингул»нинг режасини тузди; у «Кумушой» фермер хўжалигига ҳам норасмий ҳисобчи бўлиб ишга кирди ва қин-

1 миллион 513 минг 838 сўм пул-ни шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборди. У шундай йўл билан «Шахоббо-бо» фермер хўжалигида ҳам иш-ламаган кишилар номига 785 минг 758 сўмлик ҳомиладорлик ва туғиш нафақа пуллари чиқариб олди. Илдириш отиб палак ёзган жиноятчи ҳисобчи оғза-сонда бўлса-да, жиноий шериклар топилди турди. «Дўстмурод» фермер хўжалиги раҳ-бари Ш.Тўхтаевага «буғалтириш»нинг юқоридаги ишлари маъқул келди шекилли, хўжаликда ишламаган Х.Хотамова, Ш.Қаҳорова, К.Муро-дова, С.Ибодова, Р.Санаева, К.Бо-зороваларнинг фамилиялари талаб-номаю, тўлов варақларига тир-

калди ва 1 миллион 558 минг 559 сўм хамирдан қўл сўғургандек осон қўлга киритилди. Лекин қинғир иш бир кун ошқор бўлиб, бошга ташвиш келтириши аниқ. Юқоридаги найранглар ҳам фош бўлиб, айбдорлар қонун олдида жавоб берди. Энди бир уйлаб кўрайлик, қинғир иш оқибати нималарга олиб келди? Биринчидан жиноятчи учун жазо олди, иккинчидан эл олдида шарманда бўлди. Бундан оғирроқ жазо бормикин?

Шухрат ҲИҚМАТОВ, Пешку туман прокураторас терговчаси Моҳира ШАҚОРОВА, журналист

Эл соғлиғи — юрт бойлиғи

КўНГИЛЛИ ХАЛОСКОРЛАР

Умр инсонга Оллоҳ томонидан ўлчаб берилган неъматдир. Аммо ҳаёт синовлари бизни, яқинларимизни оғир қўйга солиши, умр шамчироғи хира тортиб, бахтсиз ҳодиса рўй бериши мумкин... Та-саввур қилинг-а, бемор ёки бахтсиз ҳодисага йўлқ-қан бир инсон ҳаёт ё мамот чангаллида. Шундай кезде чорасиз қараб туришдан ортқ руҳий азоб бўлмаса керак?! Ана шундай пайтда унинг ҳаётини сиз билан бизнинг бағрикенглигимиз, меҳр-шафқати-тимиз асраб қолиши ҳам мумкин.

қони йиғилади. Донор — ўз қони ва унинг компонентларини тиббий эҳтиёж учун кўнгилли топширадиган инсон, шахс. Қон донорлиги ва унинг компонентларининг асосий тамойили — инсоннинг кўнгилли, беғараз, бепул қон топшириш, қоннинг бемор учун хавфсизлиги ҳамда хавфсиз ишлатилишини таъминлашдир. Шунингдек, қон донорлиги ҳар қандай жамиятда ижтимоий аҳамият касб этади.

Акмал Машрапов. — Шу даргоҳда ўзим узок йиллар «сай-ёр бригада»да ишлаганман. Қонга муҳтож беморнинг аҳолини юракдан хис қиламан. Қолаверса, донорлик одамнинг қонини янгилайди, тетиклаштиради, организмни яшартиради, соғлиқ учун фойдали.

Бугунги кунда бутун дунё мамлакатларида қоннинг хавфсизлиги долзарб муам-мо ҳисобланади. Зеро, ер юзиде донор қонига бўлган эҳтиёж ортиб борапти. Мамлакатимизда 2002 йил-нинг 30 августиде «Қон ва унинг таркибий қисмлари до-норлиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган. Утган ана шу беш йил ичиде республика-мизда беғараз қон топшириш, қон олиш, йиғиш, уни қайта ишлаш ҳамда сақлаш, жой-ларда донорлиқни ташкил-лаштириш, уларнинг сонини

Бинобарин, Жаҳон Соғлиқ-ни Сақлаш Ташкилоти томо-нидан 2007 йилги Халқаро донорлар кунини «Хавфсиз қон — хавфсиз оналик учун» ши-ори остида ўтди. Шу муно-сабат билан Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти тиббий жамоаси «Соғлом авлод учун» халқа-ро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда тадбир таш-кил этди. — 1962 йилдан буён донор-лик қиламан, — дейди биз билан суҳбатда тошкентлик

Институтнинг баклаборато-рия мудирини Нигорахон Било-лова: «Беғараз донорлик қилаётган инсон ниҳолга сув тараётган боғбонга ўхшайди. Халқимиз бағрикенг, меҳр-шафқатли, беморларимизга беиминнат келиб қон топши-ришади», — дейди тўққинла-ниб. — Икки нафар фарзанд-нинг онасиман. 10 йилдир-ки, донорман, зарурат тўғил-са... клиникамиздаги ҳар бир бемор учун истаган пайтда қил устидаги ҳаётни сақлаш-га тайёрман...»



Суратларда: институт қшидаги қон қуйиш станцияси ходимлари — Нигора Асорова ҳамда (чапдан) Марҳамат Аҳмаджонова, Муҳаддас Мусаева ва Маҳмуда Раҳматхўжаевалар. Қозим ЎЛМАСОВ олган суратлар.

Advertisement for Uzbekistan Airways featuring flight routes to Milan, Sochi, and Khujand. Includes the text: «Ўзбекистон ҳаво йўллари» — Дан хушхабар! Ёзги жадвалда янги йўналишлар: Қоҳира (Миср), Милан (Италия), Сочи (Россия).

Table with 4 columns: Ташкилот бўш (вакант) лавозимларга танлов эълон қилади. Columns include: Капитал қурилиш бўйича директор уринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича мутахассис, Бош директор уринбосари, Инженер механик.

Advertisement for a medical center: Ие, йўғ-е, наҳотки?! БЕМОРНИНГ ҚОНИ ҚИЗИЛ ЭМАС. Канаданин Ванкувер шаҳридаги шиқохоналардан бирида жарроҳлик амалиётини бажарган врачлар кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеликнинг гувоҳи бўлдилар.

Advertisement for a natural gas company: ТАБИЙ ГАЗДА ҲАРАКАТЛАНГАН. Немис ҳайдовчиси Райнер Цетлоунинг номи «Гинеснинг рекордлар китоби»га кирди. Сабаби: у дунёда биринчи бўлиб, табиий газда ҳаракатланувчи «Volk-swagen Caddy EcoFuel» автомобили билан 180 кун давомида 45 минг километр йўл босиб, бош қитъани кезиб ўтди.

Vertical sidebar containing various advertisements and notices, including: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV, TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, ASLIDDIN RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Turobjon JO'RAYEV, Feruz NAZIROV, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Norqobil JALIL, MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI, BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Ma'naviyat va ma'rifat, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Huquq, Ekologiya va salomatlik, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik, Xatlar va ommaviy ishlar, Reklama va e'lonlar, VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda, MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.